

Фазлий Намангоний (тхаллуси; асл исми Абдулкарим, 18-аср 2-ярми — 19-аср 1-ярми, Наманган) — шоир, адабиётшунос. 19-аср бошларида Тўракўргон ва Наманганда турли мансабларда ишлаган. Умархон хукмронлиги йиллари (1810—22) Кўконга келган. Шеърий истеъдоди туфайли хоннинг марҳаматига сазовор бўлиб, тез орада сарой шоирларининг бошлиги — «малик уш-шуаро» номини олган. Умархоннинг хаёти, фаолияти, харбий юришлари, хукмронлиги давридаги воеаларни «Умарнома» достонида тасвирлаган. Хон топширигига кўра, Фазлий «Мажмуай шоирон» («Шоирлар мажмуаси», 1821) тазкирасини тузган. Ўзбек адабиётшунослиги тарихида илк марта шеърий йўл билан яратилган мазкур тазкирада 19-аср бошлари Кўкон адабий мухитининг 100 дан ортиқ вакиллари хакидаги кимматли маълумотлар ва асарларидан намуналар мавжуд. Шу жумладан, унда Фазлийнинг касида ва газаллари, шоира Махзуна билан мушоираси хам бор. Фазлийнинг «Девон» тузгани маълум, аммо у топилмаган. Унинг ўзбек ва тожик тилларида ёзилган газал, маснавий, мухаммас, рубоий ва туюклари турли мажмуа ва баёзларда учрайди.

Фазлийнинг «Мажмуай шоирон» тазкираси 19-аср ва 20-аср бошларида кўлёзма ва тошбосма нусхаларда кенг таркалган, асар адабиёт ахли орасида катта шухрат топган. Унинг мукаммал кўлёзма нусхалари Абу Райхон Беруний номидаги Шаркшунослик институтида сакланади (инв. № 7510, 9914 ва б.). Фазлий Умархон вафотидан сўнг (1822), Наманганга кетган ва ўша ерда вафот этган.

Рустамжон Тожибоев.

## «ДЕВОН» ДАН

### ГАЗАЛЛАР

Гул юзунгда зулфунгни бог аро намоён кил,  
Лола бирла сунбулни дог этиб паришон кил.

Лолагун кабо жайбинг тугмасин очиб гохе,  
Гул якосини чок эт, гунча багрини кон кил.

Давлати висолингга шукр этмаганларни,  
Гам ўтига дог айлаб, мубталойи хижрон кил.

Сокиё, юзунг акси килди бодани гулгун,  
Лола ранг согар тут базмни гулистон кил.

Эй кўнгул харобингга келса ёшурун дарди,  
Вокиф ўлмасун мардум кўз уйида меҳмон кил.

Ошики талабгоринг мардларни шохидур,  
Бўсаи дахонингдин назри шохи мардон кил

Фазлиё, Умар сulton даргахига йўл топсанг,  
Кўзларингга туфрогин сурмаи Сулаймон кил.

\* \* \*

Гул чоги хушдур килиб сайри гулистон ўйнамок,  
Ёр ила гулшанда сармасту хиромон ўйнамок.

Ёр лаъли бирла ўйнаб бўлмас, эй шайдо кўнгул,  
Бас дегил инсоф ила осонмудур жон ўйнамок.

Турфа саркашдур саманди ноз сурма тунд ани,  
Ким анга одат эрур килгонда жавлон ўйнамок,

Халкаи зулфунгга чиндур кўнгул ўйнаб берганим.  
Йўкса ишқ ойинида бордурму ёлгон ўйнамок,

Бок эмас гар таркаса ашким юзум атрофина,  
Ёшларга расмдур харён паришон ўйнамок.

Келди ёдинг күнглума ашким югурди хар тараф,  
Тифлга одат эрур келганда мемон ўйнамок.

Эй күнгүл, вайроналиглар бирла хуш тут хотириң,  
Гар сенинг бирла тилар ул тифли нодон ўйнамок.

Ишк осондур ва лек жон ўйнамок душвор эрур  
Булхавас хам ўйнар эрди бўлса осон ўйнамок.

Ўйнагил Фазлий вафо нардин куруб жон накдини  
Гар тилар бўлса санингла табъи жонон ўйнамок.

\* \* \*

Сокиё, сенсиз манга бўлди бу окшом ком талх,  
Дамбадам лаълинг хуморидин ичарман жом талх.

Наргисинг айлар нигохи тунд, лаълинг захрханд,  
Вах надиндур бу чаманда пиставу бодом талх.

Зулфу симин соиду майгун лабинг хижронида,  
Бода йўкким кон ютарман субхдин то шом талх.

Захри гам ютмак лабинг хажрида одатдур манга,  
Ким эмас маҳмурларга бодаи гулфом талх.

Хажр огусидин икрох этмазам лаълинг тилаб,  
Нечай талх ўлса билмас они май ошом талх.

Сарва кўргузма кадингни, гулга арз этма жамол,  
Килма гулшан айшини, эй сарви гуландом, талх.

Нашъай сахбо каби Фазлий гувородур манга,  
Гарчи бордур ёр ширин лаълидин дашном талх.

\* \* \*

Эй сабо, кел бог аро кўрган тамошодин гапур,  
Сарв ила гулдин дема, ул сарви раънодин гапур.

Пиставу бодомдин дам урмагил, эй богбон,  
Ул лаби хандондин айтиб, чашми шахлодин гапур.

Топсанг, эй шайдо кўнгул, ногах ани кўйига йўл,  
Ул пари олида бу Мажнуни расводин гапур.

Ёр зулфидин гирих очмок хунардур, эй насим,  
Нуктадонлар ичра бу мушкил муаммодин гапур.

Зухд таърифини кил зохидга бўлсанг хамнишин,  
Риндлар базмida согар бирла минодин гапур.

Худнамоликдин мукаддардур күнгүл, эй майфуруш,  
Урма дам ойинадин, жоми мусаффодин гапур.

Эй мударрис, ишк дарсини рамузидур дақик,  
Мухтасар кил ушбу сүзни «Шархи мулло»дин гапур.

Сүзла эй Фазлий, Умар султон шукухи адлидин,  
Мен качон айдим Скандар бирла Дородин гапур.

\* \* \*

Шамъ боши ёна келди ёна тоб устиндадур,  
Бу жихатдиндурки «шин» доим шабоб устиндадур.

Онча ул bemор күз хажрида логар бўлди тан,  
Бошим анда нуктаидурки хароб устиндадур.

Мехри рухсор устида пайваста кошингдур сенинг,  
Эл гумон айларки «мадде» офтоб устиндадур.

Кўзга кўйгайму кадам деб бир кун ул чобук сувор,  
Эгма каддим рокиби дойим рикоб устиндадур.

Сарвдек яктосен, эй шамшод кадлар сарвари,  
Коматингдур ул «алиф» ким интихоб устиндадур.

Терлаган рухсоринг узра лолагун буркаъмудур.  
Ё тароват бирла гул барги гулоб устиндадур.

Кўзлари мактулини Фазлийга теъдод этгали,  
Коши ул «хе» саргахидурким хисоб устинدادур.

\* \* \*

Биравким ул гули раъно висолини хаёл этмиш,  
Сариг айлаб юзини ашк селобини ол этмиш.

Тараб шамъини равшан айлаб ул ой чехра тобидин,  
Кўзум мардумларини маҳрами базми висол этмиш.

Раво кил хожатни, айлар дуо, тунд ўлма, эхсон кил,  
Лабингдин ком истаб бўсае кўнглум суол этмиш.

Гул андомеки раъно кад била хар дам хиром этгач,  
Чаманда сарву гулни соя янглиг поймол этмиш.

Юзунгдин катра-катра хай тароват шикор этгач,  
Хаё гул шабнамини гарки баҳри инфиол этмиш.

Кўруб гул барги рухсорингни шахди каломингни,  
Тахайюр булбулу тўтини гулшан ичра лол этмиш.

Юзин кўрмакка кўз мушток, хожатманд эди кўнглум,  
Надур важхи буқун ойинаким арзи жамол этмиш.

Манга сен анбару сунбул исин эй бод, келтурма,  
Насими накхати зулфи мени ошифта хол этмиш.

Тополмас муддао Фазлий хаёлидин халал харгиз,  
Нединким хизмати Кайхисрави сохиб жамол этмиш.

\* \* \*

Ул пари пайкарки мажнунман ани савдосидин,  
Бир бокиб холимни сўрмас, ўлдум истигносидин,

Хар неча махкам эди сабрим биносида асос,  
Колмади обод хижрон хайлини ягмосидин.

Кошлари ёйига курбон эрди кўнглум ногахон,  
Гамза пайкони кадалди нарғиси шахлосидин.

Ёр азми гулшан этди борди кейнидан ракиб,  
Умр боргандек шитоб айлаб ўлум оркосидин,

Хўблар меҳрини тарқ эт, дема, эй носих, манга,  
Телба ўлгайму парилар ишкини даъвосидин.

Даҳр боги бевафодур, не учун, эй андалиб,  
Кўнгул узмассен бу гулшанинг гули раъносидин.

Шайх зухдидин малул эрдим хушо, пири мугон,  
Май била куткорди ул иблисни васвосидин.

\* \* \*

Күнгүл дөгин дедим ишк ибтилосидин нишондур бу,  
Күзүм айдики мандин сачраган бир катра кондур бу.

Танимда күр ўкунг захмини күп килма таажжубким,  
Эрүүр ул дард тоги гам күшига ошиёндур бу.

Кадалган новакингни чекма кўксум захмидин ўлмай,  
Нединким нотавон жисмим аро рухи равондур бу.

Хужми хат губорин лаълидин сўрдум, кулиб аиди  
Бадахшон мулкига келган хитоий корвондур бу.

Дедим зулфунг на юздин оразингда печутоб айлар,  
Деди ўт шуъласида изтироб этган илондур бу.

Гамингда бу сариг рухсор ила андог заиф ўлдум,  
Гумон айлар мени кўрган киши бир пар сомондур бу.

Дегай ахбобларга ўкугон лавхи мазоримни,  
Шахиди новаки бир дилбари абрю камондур бу.

Агар гам лашкаридин бўлса максудинг амон топмок,  
Харобат ичра манзил айлаким дорул-омондур бу.

Гурур этма насаб пироясига, хосил эт маъни,  
На суд андин дегайларким фалон ибни фалондур бу.

Хирад ахли жунун кўйида ахволимни кўрганда,  
Демишлар ошики девонаи хусни фалондур бу.

Таарруз айлама эй муддаий Фазлий каломига,  
Радифи шохбайти хисрави сохибқирондур бу.

\* \* \*

Чикти тун киш бўркини эгри кўюб кош устина,  
Шамъдек ўтлар туташти шавқидин бош устина.

Гар тазаллум зохир этсам солма чин кош устина,  
Сурма гавхар мавжидек тиги газаб бош устина.

Икки золим кошларинг бош эндуруб катлим учун,  
Рўбарў ўлтурдилар бир ерга кенгош устина.

Баски гулгун тўн кийиб рахш узра жавлон айладинг,  
Кон ўлуб чикти жигар парголаси ёш устина.

Кўзни хуснунг хонидин ўз ёши килди бенасиб,  
Бўлса бетолиъ ятим бурни конар ош устина.

Нотавон кўнглумда гамлардур санамлар жавридин.  
Кўйдилар юз тогни бир дона хашхоз устина.

Тира дилларга жамолинг тобидин юз хиралик,  
Жавр ўлур хуршед партав солса хуффош устина.

Ер каттиг күнгли ашкимдин мулойим бўлмади,  
Суд килмас хар неча ёмгур ёгар тош устина.

Шахсувориким эрур кўк токидин курси анга,  
Сахл химматдур агар ўлтурса Кўктош устина.

Шохлардур хирмани эхсонидин уммидвор,  
Оре хар ерда гадолар гавр этар жош устина.

То абад бўлгай мухаллад давлати Султон Умар,  
Соя солди раъфати Фазлийи каллош устина.